

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НИКОҲДАН АЖРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Қиличова Мунира Азимжон қизи
ТДЮУ магистранти
muniraqilichova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада никоҳдан ажратишнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ҳуқуқий моҳияти ва ижтимоий шартлари ёритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ФХДЁ органларида никоҳдан ажратишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби муҳокама қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида суд органларида никоҳдан ажратишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби ёритилган ҳамда бугунги кунда суд амалиётида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва хулосалар берилган.

***Калит сўзлар.** Никоҳ, оила, никоҳдан ажратиш, ФХДЁ органи, суд органи, суд амалиёти муаммолари.*

ОСОБЕННОСТИ И ПОРЯДОК РАСТОРЖЕНИЯ БРАКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Қиличова Мунира Азимжон қизи
Магистр ТГЮУ.
muniraqilichova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается специфика расторжения брака, его правовое значение и социальные условия, а также рассматриваются правовые основы и порядок расторжения брака в органах ЗАГС Республики Узбекистан. Кроме того, описаны правовые основы и порядок расторжения брака в судебном порядке в Республике Узбекистан, а также изучены существующие проблемы в практике расторжения брака в судебной практике и даны соответствующие предложения и выводы по их устранению.

***Ключевые слова:** Брак, семья, расторжения брака, ЗАГС, суд, проблемы судебной практики.*

FEATURES AND PROCEDURE FOR DISSOLUTION OF MARRIAGE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Kilichova Munira Azimjon qizi

TSUL master's degree.

muniraqilichova@gmail.com

ABSTRACT

This article describes the specifics of divorce, its legal significance and social conditions, as well as the legal basis and procedure for divorce in the registry offices of the Republic of Uzbekistan. In addition, the legal framework and procedure for dissolution of marriage in court in the Republic of Uzbekistan are described, as well as the existing problems in the practice of dissolution of marriage in judicial practice, and appropriate proposals and conclusions are given for their elimination.

Keywords: *Marriage, family, divorce, registry office, court, problems of judicial practice.*

КИРИШ

Жамиятнинг асосий бўғини ва устуни ҳисобланмиш оила доимо ҳар бир жамият ва давлат эътиборида бўлиб келган. Сабаби жамиятнинг асоси оиладан бошланади, қачонки ушбу бош асос мустаҳкам бўлса, қолган бўғинлар ҳам мустаҳкам бўлади. Бугунги кунда оилавий муносабатлар доирасидаги энг кўп тарқалган низолардан бири бу эр ва хотиннинг никоҳдан ажрашишидир. Ушбу муаммо борган сари жамиятда жиддий тус олиб, унга ечим топиш жамият ва давлат олдидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Оилани қуриш, унинг фаолияти ва бузилиши билан боғлиқ барча муаммолар, шу жумладан, юридик муаммолар ҳар доим бўлган ва доимо мавжуд бўлади ҳам. Чунки никоҳ ва оила доимий қадрият ҳисобланиб, инсоният сивилизациясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Оилани давлат томонидан ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш конституциявий принцип даражасига кўтарилгандир. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб олимлар билан тенг даражада ҳуқуқшунослар, социологлар томонидан “Барқарор оила” дастури доирасида никоҳдан ажрашнинг глобал миқёсда сабабларини ўрганиш ва оилани мустаҳкамлаш йўллари топишга киришилди¹.

¹ У.О.Георгиевна. Институт расторжения брака по законодательству Российской Федерации и стран континентальной правовой семьи (сравнительно-правовое исследование). Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2010. 3,5.стр.

ФХДЁ бўлимлари қошида оилага тайёрлаш учун никоҳдан ўтишдан бир ой олдин “Ёш оила қурувчилар мактаби” да ёшларга сабоқ берилади.² Шунингдек, 2018-йил 27-июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3808-сон «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асоан оилалар ажрашиши ҳамда уларнинг ижтимоий оқибатларини комплекс тадқиқ этиш асосида уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда оилалардаги низолар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли вазиятларни ҳал қилиш, ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида, шунингдек, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини оширишнинг самарали шакллари жорий этиш белгиланган³.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Никоҳдан ажратиш бу – қонун билан тартибга солинадиган жараён ҳисобланиб, бир тарафнинг ёки иккала тарафнинг ҳам хоҳиш иродасига асосланган ҳолда никоҳ оила муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатни тугатишга қаратилган ҳуқуқий ходиса ҳисобланади. *А.И. Загоровскийнинг* фикрига кўра, никоҳдан ажратишни адолатли ҳал қилиш қонунчиликнинг энг қийин масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади⁴.

Оила, албатта, икки жинс вакилининг, яъни эркак ва аёлнинг никоҳ қуришидан бошланади. Ҳуқуқий категория сифатида **никоҳ** эркак ва аёлга жуфтлик мақомини беради ҳамда Оила қонунчилигига асосан улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Оиланинг тузилиши иқтисодий жиҳатдан эр ва хотин ўртасида молиявий ҳамкорлик бошланганлигини ангдатади дейишимиз мумкин. Никоҳнинг мақсади оила қуришни бошлашдир. Ушбу тушунчага асосан, оила ва никоҳни ўзаро бир бутунлик деб олсак, ушбу бутунликнинг энг керакли ва муҳим қисми никоҳ ҳисобланади. Никоҳнинг асосий мақсади авлодларнинг яшаб қолишини таъминлаш, бир-бирига нисбатан ғамхўрлик қилган ҳолда биргаликда яшаш, бир-бирига ҳурмат ва муҳаббатни берган ҳолда биргаликда узоқ умр кўриш ҳисобланади⁵.

² Ҳ.Жўраева. Оила – меҳр ва умид булоғи// “Ҳуқуқ ва бурч”. №6/2019. 40-41-бетлар.

³ <https://www.lex.uz/docs/3797625>

⁴ Загоровский А.И. Курс семейного права. – 2-е изд., перераб. и доп. – Одесса, 1909. – 574 с.

⁵ O.Yusupova. The right of a husband (wife) to inherit at the factual dissolution of marriage// The American journal of political science law and criminology. Volume 2 Issue 12, 2020. 100-101-pages.

Шу ҳам аниқлаштириш керакки, аслида оила ва никоҳнинг нима эканлигини, қандай ҳуқуқий ҳодиса эканлигини билиш, тушуниш муҳим ҳисобланади. Оила ва никоҳнинг тушунчасига бугунги кунда бир қанча назарий таърифлар берилган бўлиб, бироқ унинг қонуний таърифи қонунчилигимизда мавжуд эмас. Бироқ ушбу тушунчаларга таъриф бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Доктринал (Ф.М. Отахўжаев, М.В. Антокольская, М.С. Каменецкая, О.А. Рузакова, Bob Varг) ва қонунчилик таърифлари (МДХ давлатлари ва АҚШ тажрибаси) асосида оила ва никоҳ тушунчаларига таъриф бериш таклиф қилинган. *Ўзбекистон Республикасида оила деганда жамиятнинг асосий ва бошланғич бўғини, ўз таркибига никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки болаларни тарбиялаш учун қабул қилишнинг бошқа шакли асосида шахсий номулкий ва мулкый муносабатлар ҳамда мажбуриятлар билан боғланган ва оилавий муносабатларни ривожлантиришга ҳамда мустаҳкамлашга ёрдамлашадиган шахслар доираси тушунилади. Ўзбекистон Республикасида никоҳ деганда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларида рўйхатдан ўтган, оила яратишга ҳамда томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиришга қаратилган бир эркак ва бир аёлнинг ихтиёрий, ҳуқуқий иттифоқи тушунилади*⁶.

Шунингдек, никоҳдан ажратиш учун турли омиллар асос бўлиб ҳисобланиши мумкин. Масалан, эр ёки хотиндан бирининг хиёнати, турли касалликлар, гиёҳвандлик, ичкилик, узоқ муддат мобайнида бирга яшамаслик каби бирча сабаблар бўлиши мумкин. Хорижий давлатлар қонунчилигига кўра баъзи давлатлар никоҳдан ажратиш учун бир нечта асосларнинг рўйхатини тақдим этишади (Франция, Италия, Португалия, Греция, Бельгия), бошқаларда ягона асос (Россия, Финляндия, Швеция, ФРГ, Испания) бўлиши кўрсатилади. Бироқ ягона асос бўйича эр-хотин рози бўлган тақдирда ҳам ишнинг бошқа тарафлардан ҳам кўриб чиқилишини чекламайди. Шунинг учун деярли барча ҳуқуқ тизимларидаги миллий қонунчиликда никоҳдан ажратиш учун турли хил кўшимча шартлар ўрнатилган, масалан, баъзи давлатларда бу никоҳдан ажратишнинг барча ҳуқуқий оқибатлари бўйича келишув битимининг мажбурий мавжудлигидир. Бошқа давлатларда никоҳдан ажратиш учун ариза топширилган пайтдан бошлаб “яна ўйлаб кўриш учун” маълум муддатнинг

⁶ E.X.Egamberdiev. O'zbekiston Respublikasida nikohdan ajratishning huquqiy asoslarini takomillashitirish. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi Avtoreferati. Nukus – 2021.

белгиланадиглиги (Финляндия, Норвегия), ёки қонунга асосан бир қанча муддат алоҳида яшаб кўриш чораси (Италия, Испания, Нидерланды, Дания) мавжуд⁷.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг ФХДЁ органларига тааллуқли бўлишини ёритадиган бўлсак, **Оила кодексининг 42-моддасига** асосан вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади деб кўрсатилган. Шунингдек, **43-моддага** кўра агар эр-хотиндан бири: суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса; суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади деб ҳам белгиланган. Ушбу нормалар Ўзбекистон Республикаси **Олий суди Пленумининг 2011-йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 3-4-бандларида** ҳам кўрсатилган. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»⁸ нинг VI бобида** ҳам ФХДЁ органи мулкӣ низолари ҳамда вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотинлардан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилади дейилган. Шунингдек, **Оила кодексининг 43-моддасида** кўрсатилган асослар бўйича ажратиш қоидаси ҳам белгиланган.

Ушбу нормалардан маълум бўладики, никоҳдан ажратишни ФХДЁ органларида амалга ошириш учун келиб чиққан ҳуқуқӣ муносабат низосиз бўлиши керак, яъни эр-хотинлар ўртасида вояга етмаган фарзандлар, мулкӣ низолар бўлмаса ҳамда Оила кодексининг 43-моддасидаги асослар мавжуд бўлганида мазкур ҳолатлар низосиз деб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда никоҳдан ажратишни амалга ошириш ФХДЁ органи томонидан амалга оширилиши қонун томонидан белгиланган. ФХДЁ органи томонидан

⁷ О.Г.Ҳенкова. Институт расторжения брака по законодательству Российской Федерации и стран континентальной правовой семьи (сравнительно-правовое исследование). Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2010. 18 стр.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари» қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 50-сон.

никоҳдан ажратишнинг тартиби *«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»⁹нинг VI боби* асосида амалга оширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда никоҳдан ажратишнинг ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилиши бўйича мавжуд бўлган мулоҳазаларни таҳлил қиладиган бўлсак, *Э.Х.Эгамбердиевнинг*¹⁰ фикрига кўра, баъзи хорижий давлатлар амалиётига асосланган ҳолда никоҳдан ажратишнинг фақат суд органлари томонидан амалга оширилиши таклифи илгари сурилган. Бироқ ушбу таклифга қўшилмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, суд органларида кўриб чиқиладиган ишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, ишларнинг барчаси низоли бўлиши керак. Юқорида қайд этганимиздек, эр-хотинлар ўртасида вояга етмаган фарзандлар, мулкӣ низолар бўлмаса ҳамда Оила кодексининг 43-моддасидаги асослар мавжуд бўлганида мазкур ҳолатлар низосиз деб ҳисобланиши сабабли ҳам улар ФХДЁ органлари томонидан ҳал қилинади. Шу сабабли ҳам никоҳдан ажратишда низо мавжуд бўлмаган ҳолатда ишнинг ФХДЁ органи томонидан ҳал қилиниши тўғри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг *Фуқаролик процессуал кодексининг* (кейинги ўринларда матнда ФПК деб юритилади) *26-моддасига* асосан фуқаролик ишлари бўйича судга бир қанча ишлар доирасида оила муносабатларидан юзага келадиган низолар бўйича ишлар ҳам тааллуқли. Демак, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг никоҳдан ажратиш бўйича низоларни кўриб чиқиш бўйича ваколати бор.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлигини белгилашда вужудга келган ҳуқуқӣ муносабатнинг низоли ёки низосиз бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Амалдаги қонунчилигимизга асосан никоҳдан ажратиш вазифаси суд ва ФХДЁ органларига юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг *Оила кодексининг 38-моддасига* асосан никоҳдан ажратиш суд тартибида, *Оила кодексининг 42 ва 43-моддаларида* назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади¹¹. Демак, Оила кодексидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг суд ва ФХДЁ органларига тааллуқлилиги белгилаб қўйилмоқда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари» қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 50-сон.

¹⁰ Е.Х.Егамбердиев. О'zbekiston Respublikasida nikohdan ajratishning huquqiy asoslarini takomillashitirish. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi Avtoreferati. Nukus – 2021.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

Мазкур тааллуқлиликни белгилашнинг ўз асослари мавжуд бўлиб, уларни қуйида кўриб чиқамиз.

Оила кодексининг 40-моддасига асосан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади деб белгиланган. **Оила кодексининг 42 ва 43-моддаларининг иккинчи қисмларида** белгиланган асослар, яъни эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда ҳамда болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибидан ажратилади¹². Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси **Олий суди Пленумининг 2011-йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 5-бандида** ҳам кўрсатилган.

Юқоридаги нормалардан маълум бўладики, агарда эр-хотин ўртасида моддий таъминот бўйича, фарзандлар масаласида ҳамда мол-мулк юзасидан низо мавжуд бўладиган бўлса, улар никоҳдан суд орқали ажрашишлари лозим. Сабаби мазкур ҳолатларнинг барчаси низоли муносабат ҳисобланади.

ФПКнинг 33-моддасига асосан аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади. Демак, никоҳдан ажрашмоқчи бўлган тарафлардан бири аризани жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга беради. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси **Олий суди Пленумининг 2011-йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 7-бандида** ҳам никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга берилади деб белгиланган¹³. Шунингдек, **ФПКнинг 34-моддасига** кўра яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг маълум бўлган сўнгги яшаган жойидаги судга тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъволар Ўзбекистон

¹²Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

¹³ <https://www.lex.uz/docs/2414114>

Республикасида унинг мол-мулки турган жойдаги ёки маълум бўлган сўнги яшаш жойидаги судга тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари мазкур моддага асосан *агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъвогар даъвогарнинг яшайдиган жойидаги судга тақдим этилиши мумкинлиги ҳам белгиланган*¹⁴.

Булардан ташқари, *Олий суд Пленумининг 2011-йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 7-бандида*¹⁵ ҳам қуйидагилар кўрсатилган: Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво: жазо муддатидан қатъи назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) — мазкур шахснинг судлангунга қадар охириги яшаш жойида ариза бериш мумкинлиги кўрсатилган.

Мазкур нормалардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг судловлигининг асосий қондаси шуки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризалари асосан жавобгар яшайдиган туман (туманлараро) судларда кўриб чиқилади. Истисно ҳолатларда эса юқорида келтирганимиздек, *ФПКнинг 34-моддасидаги* қоидалар бўйича тегишли судларнинг судловлигига тааллуқли бўлади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни қўзғатишга келадиган бўлсак, авваламбор, шуни айтиш керакки, Оила қонунчилигига асосан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар судда даъво тартибида кўриб чиқиладиган ишлар доирасига киради. Демак, никоҳдан ажрашмоқчи бўлган шахслар судга даъво аризаси бериш орқали мурожаат қиладилар. Бунда, албатта, мурожаат биринчи босқич судларига, яъни фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларига қилинади. Юқорида келтирганимиздек, никоҳдан ажратиш бўйича даъво аризаси жавобгарнинг яшаш жойидаги судга берилади. Истисно ҳолатлар фақатгина даъвогарнинг вояга етмаган болалари бор бўлганда, даъвогарнинг ногиронлиги ёки оғир касаллиги сабабли жавобгарнинг яшаш жойидаги судга боришга қийналган ҳолатларда даъвогарга никоҳдан ажратиш учун даъво аризасини ўз яшаш ҳудудидаги туман судига бериш ҳуқуқи берилган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон.

¹⁵ <https://lex.uz/docs/2414114>

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни иловасининг 1-бандига кўра никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан БХМнинг 2 баравари миқдорида, такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан БХМнинг 4 баравари миқдорида давлат божи олинади. Никоҳ бекор қилинаётганда мол-мулк бўлинган тақдирда, бож ушбу қонун иловасининг 1-банди “а” кичик бандига мувофиқ даъвонинг баҳосига мувофиқ белгиланади¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-кичик бўлимида даъво ишини юритиш тартиб ва қоидалари белгиланган бўлиб, ушбу тартиб ва қоидалар барча даъво тартибида юритиладиган ишларга, шу жумладан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларга ҳам тегишли ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2019 йил 9 ойидаги фаолиятига оид статистик маълумотларга кўра, ҳал қилув қарори қабул қилинган даъво тартибидаги 98080 та фуқаролик ишларидан 27701 таси ёки 28,2 фоизи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларга тегишлидир. Никоҳдан ажратишга оид кўрилган ишлар таҳлилига кўра, ҳал қилув қарори қабул қилинган 27701 ишнинг 16739 таси бўйича ариза талаблари қаноатлантирилган бўлса, 10962 таси бўйича ариза талабларини қаноатлантириш рад этилган. Бундан ташқари, 3945 та ариза бўйича ишни юритиш тугатилган ёки кўрмасдан қолдирилган¹⁷. 2020-йилда эса фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судларида никоҳдан ажратишга доир жами 39466 иш кўриб чиқилган. Шулардан 20139 даъво аризаси қаноатлантирилган, 14481 даъво аризаси рад этилган, 2004 ҳолатда иш юритиш тугатилган, 2842 даъво аризаси бўйича иш кўрмасдан қолдирилган¹⁸.

Юқоридаги статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йилдан йилга никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг сони судларда кўпайиб бормоқда ҳамда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича берилган даъво аризаларининг кўп қисми суд томонидан қаноатлантирилгандир. Никоҳдан ажрашишга, юқорида келтирганимиздек, турли хил омиллар сабаб бўлмоқда. Никоҳдан ажрашишда ушбу сабабларнинг баъзилари жиддий, баъзилари эса арзимаган сабаблар ҳисобланади. Оилаларнинг бузилиши, яъни никоҳдан ажрашиш ҳолатларининг борган сари кўрайиб жамиятда жиддий тус олиб бораётганлиги ушбу муаммонинг нақадар долзарб эканлигини, бу муаммони

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Давлат божи тўғрисидаги қонуни// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

¹⁷ <https://stat.sud.uz/fib.html>

¹⁸ https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2020.pdf

кўриб чиқиб ҳал қилишда давлат ва жамият томонидан жиддий эътибор берилишини тақозо қилади.

Бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларда никоҳдан ажратиш бўйича ишларни кўриш билан боғлиқ бўлган баъзи бир муаммолар мавжуд бўлиб, қуйида мазкур муаммолар доираси билан танишамиз ҳамда ўзимизнинг таклиф ҳамда фикрларимизни бериб ўтаемиз.

Биринчи муаммога тўхталадиган бўлсак, никоҳдан ажратиш билан боғлиқ бўлган ушбу муаммо **Оила кодексининг 41-моддаси** билан алоқадордир. Ушбу нормага асосан агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади¹⁹. Мазкур нормага асосланган ҳолда амалиётдаги судьялар оилани сақлаб қолишнинг имконияти йўқлиги бўйича сабабларни ўзлари мустақил равишда аниқлашлари керак. Судьяларнинг сўзларига қараганда, Оила кодексининг 41-моддасига Конституциявий суд томонидан никоҳдан ажратиш учун жиддий асос бўладиган ҳолатларга шарҳ бериш керак. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг **Оила кодексига шарҳлар китобида** қуйидагича маълумот келтирилгандир: ОКда никоҳдан ажралиш учун аниқ асослар кўрсатилмаган ва буни кўрсатиш мумкин ҳам эмас. Негаки эр ёки хотин келтирган биттагина асос ҳам айрим ҳолларда никоҳдан ажратиш учун етарли бўлиши мумкин, алоҳида ҳолатларда эса бир қатор сабаблар ҳам ажратиш учун сабаб бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун суд амалиётини ҳисобга олиб янги ОК амалда бўлган қондани сақлаб қолиб, уни қуйидагича белгилайди: агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. Суд амалиётини ўрганиш натижасида эр-хотинлар никоҳдан ажралиш учун қуйидаги асосларни келтирганлиги аниқланди: *эр-хотиндан биттасининг доимий равишда спиртли ичимлик ичиб оилада жанжал чиқариши; эр-хотинлик муносабатига хиёнат қилиши; оилада бола туғилмаслиги; оилавий ишларга қариндошлар (айниқса қайнона-келин можаролари) аралашиб жанжал чиқариши; узоқ муддат бирга яшамаслик; эр-хотиндан бирининг касаллиги ва бошқалар*²⁰.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, Оила кодексининг 41-моддасида никоҳдан ажратиш учун жиддий асосларнинг белгиланмаганлиги суд амалиётида никоҳдан ажратиш борасида

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. – Т.: "Адолат", 2000. – 87-бет.

қийинчиликларни ҳамда судьялар томонидан ҳар ҳал ёндашувларни келтириб чиқармоқда. Сабаби судларга маълум бир шахсларни никоҳдан ажратаётганда қандай сабабни жиддий асос деб олиш қийинчилик туғдириб, никоҳдан ажратиш учун жиддий асосни аниқлаш уларнинг зиммасига юкланган. Тўғри юқоридаги Оила кодексига шарҳларда келтирилганидек, эр ёки хотин келтирган биттагина асос ҳам айрим ҳолларда никоҳдан ажратиш учун етарли бўлиши мумкин, алоҳида ҳолатларда эса бир қатор сабаблар ҳам ажратиш учун сабаб бўлмаслиги мумкин. Бироқ қандай сабаблар шахсларни никоҳдан ажратиш учун асос бўлишини судьяларнинг ўзи мустақил белгилаши амалиётда турли хилликни келтириб чиқаради. Сабаби бошқа бир судья никоҳдан ажрашмоқчи бўлган тарафларни ажратиш учун мавжуд бўлган сабабни жиддий асос деб ҳисобласа, бошқа бир судья эса ушбу жиддий асос бўйича ҳам тарафларни ажратмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси **Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 16-бандини** суд амалиётидан келиб чиқиб айнан қандай сабаблар никоҳдан ажратиш учун жиддий асос бўлиши мумкинлиги бўйича раҳбарий кўрсатмалар билан тўлдириш керакдир.

Иккинчи муаммони муҳокама қиладиган бўлсак, амалиётдаги судьялар бугунги кунда никоҳдан ажратишда муҳим омиллардан бири ҳисобланмиш маҳалла фуқаролар йиғини яраштириш комиссияси хулосасининг таъсирини кучайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Маълумки, **Оила кодексининг 40-моддасига** мувофиқ суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак. Амалиётда ушбу нормага асосан МФЙ яраштириш комиссияси судга никоҳдан ажрашиш учун мурожаат қилган тарафларнинг оилавий вазиятини, улар ўртасидаги келишмовчиликни, низони ўрганиб тегишли ҳолат бўйича хулоса бериб судни хабардор қилишади. Суд МФЙ яраштириш комиссияси хулосасини олгандан сўнг ҳам тарафларни никоҳдан ажратишни ёки ажратмасликни ўзи ҳал қилади. Ушбу жараённи янада оптималлаштириш мақсадида МФЙ яраштириш комиссияси ваколатини кенгайтириш керакдир. Масалан, МФЙ яраштириш комиссияси берган хулосага кўра суд битта қарорга

келиши керакдир, яъни агар МФЙ яраштириш комиссияси тарафларнинг оиласини сақлаб қолишнинг иложи йўқ деган хулосани берса, суд ушбу хулоса асосида тарафларни никоҳдан ажратиши керакдир. Аксинча, агар МФЙ яраштириш комиссияси оилани сақлаб қолиш имконияти бор деб ҳисоблаб хулоса берадиган бўлса, суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво рад этилиши керакдир. Ушбу таклифнинг сабаби шуки, МФЙ яраштириш комиссияси никоҳдан ажрашмоқчи бўлган шахсларнинг яшаш ҳудудида бўлганлиги учун оила ҳақида етарлича маълумотга эга бўлади ҳамда мавжуд аҳолини суддан кўра яқинроқ ва яхшироқ билганлиги учун унга якуний хулоса бериш ваколатини қонун томонидан бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчи муаммо шундан иборатки, маълумки **Фуқаролик процессуал кодексининг 65-моддасига** асосан фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ёки ўз вакиллари орқали юритиши мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди деб белгилангандир. Бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларда тарафларнинг вакили бўлиб асосан адвокатлар иштирок этмоқда. **ФПКнинг 67-моддасига** мувофиқ ишонч билдирувчи ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судда иш юритишни шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликка биноан вакилга топширади. Ушбу шартномавий вакиллардан бири бўлиб, адвокатлар ҳисобланади.

Бугунги кунда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларда тарафларнинг ўрнига ишда адвокатларнинг иштирок этиши ҳолатлари кўпайган. Тўғри, юқорида келтирганимиздек, қонун томонидан тарафларга судда вакили орқали иштирок этиш ҳуқуқи берилгандир, бироқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларда бу ҳолат мумкин эмас дейишимиз мумкин. Сабаби Ўзбекистон Республикаси *Олий суди Пленумининг 2011-йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 14-бандига* асосан никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. *Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим* деб белгиланган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда судьялар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётганда тарафларнинг

иштирокини таъминлашлари керак. Тарафларнинг ишда иштирок этишининг асосий сабаби шуки, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабабларни, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини улар шахсан ишда иштирок этганда етарли даражада аниқлаш мумкин. Адвокатлар тарафлар ўрнида иштирок этганда никоҳдан ажрашмоқчи бўлган эр ёки хотиннинг асл мақсад ва сабабларини етарли даражада ифода эта олмаслиги мумкин.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорига кўра судьялар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўраётганда тарафларнинг адвокатлар орқали иштирок этишларини чеклашлари керак. Вакил орқали иштирок этишга тарафлардан бирининг жиддий сабабларга кўра ишда иштирок эта олмайдиган ҳолатларда рухсат бериш мумкин.

Тўртинчи муаммо шундан иборатки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар ҳам **ФПКнинг 208-моддасига** кўра даъво тартибидаги ишларни кўриш қонунчилигига асосан очиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Аммо ёпиқ суд мажлислари қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок етувчи шахсларнинг талабига ёки суднинг ташаббусига кўра ҳам ўтказилиши мумкин. Кўп ҳолларда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби суд мажлисида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни очиқ суд мажлисида кўришда ишда иштирок етувчи шахслардан ташқари бошқа хоҳловчи шахслар ҳам иштирок этиши мумкин, масалан, амалиётни ўтаётган талабалар. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни суд мажлисида муҳокама қилаётганда тарафларнинг никоҳдан ажрашиш сабабларини келтираётганда кўп ҳолларда уятли, эр-хотиннинг шахсий ҳаётига оид бўлган гаплар ифода етилади, бу еса баъзи бир тарафларда ишда иштирок этаётган ўзга шахсларнинг қатнашишига нисбатан норозилик уйғотади. Албатта, бундай ҳолатларни барчага ҳам намойиш қилиш бизнинг кадриятларимизга, менталитетимизга тўғри келмайди. Шунингдек, никоҳдан ажрашмоқчи бўлган шахсларнинг кўпчилиги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш мумкинлиги бўйича талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлигини билмайди. Шу сабабли ҳам никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриш мумкинлигини судья тарафларга ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида тушунтириши керак. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Пленумининг 2011-йил 2- июлдаги 06-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг **11-бандининг** иккинчи қисмига қуйидагича ўзгартишни киритишни таклиф қиламиз: суд ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида қоида тариқасида, иккинчи тарафни чақиритиши, унинг аризага нисбатан муносабатини аниқлаши керак. Шунингдек, *тарафларга ишни ФПКнинг 208-моддасига асосан ётиқ суд мажлисида кўриши мумкинлигини тушунтиради.*

ХУЛОСА

Биринчидан, никоҳдан ажратиш қонун билан ҳал қилинадиган мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланиб, оила билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатнинг тугатилишига олиб келади. Никоҳдан ажратиш турли сабабларга кўра ёки табиий ҳодиса туфайли (эр ёки хотиннинг ўлими) ҳам амалга оширилиши мумкин.

Иккинчидан, Никоҳдан ажратишни ФХДЁ органларида амалга ошириш учун келиб чиққан ҳуқуқий муносабат низосиз бўлиши керак, яъни эр-хотинлар ўртасида вояга етмаган фарзандлар, мулкый низолар бўлмаса ҳамда Оила кодексининг 43-моддасидаги асослар мавжуд бўлганида мазкур ҳолатлар низосиз деб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда никоҳдан ажратишни амалга ошириш ФХДЁ органи томонидан амалга оширилиши қонун томонидан белгиланган. ФХДЁ органлари томонидан никоҳдан ажратишнинг тартиби *«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»²¹*нинг VI боби асосида амалга оширилади.

Учинчидан, агарда эр-хотин ўртасида моддий таъминот бўйича, фарзандлар масаласида ҳамда мол-мулк юзасидан низо мавжуд бўладиган бўлса, улар никоҳдан суд орқали ажрашишлари лозим. Сабаби мазкур ҳолатларнинг барчаси низоли муносабат ҳисобланади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судларда кўриб ҳал қилиш даъво ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Тўртинчидан, бугунги кунда суд амалиёти муаммоларини ўрганиш муҳим ҳисобланиб, уларни тадқиқ қилиш никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг судда кўрилиши жараёнининг такомиллаштирилишига эришилади.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари» қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 50-сон.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божи тўғрисидаги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. – Т.:”Адолат”, 2000. – 87-бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011-йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарори.
6. У.О.Георгиевна. Институт расторжения брака по законодательству Российской Федерации и стран континентальной правовой семьи (сравнительно-правовое исследование). Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2010. 3,5.стр.
7. Ҳ.Жўраева. Оила – меҳр ва умид булоғи// “Ҳуқуқ ва бурч”. №6/2019. 40-41-бетлар.
8. Загоровский А.И. Курс семейного права. – 2-е изд., перераб. и доп. – Одесса, 1909. – 574 с.
9. O.Yusupova. The right of a husband (wife) to inherit at the factual dissolution of marriage// The American journal of political science law and criminology. Volume 2 Issue 12, 2020. 100-101-pages.
10. E.X.Egamberdiev. O'zbekiston Respublikasida nikohdan ajratishning huquqiy asoslarini takomillashitirish. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi Avtoreferati. Nukus – 2021.